

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ALBERT EYNSHTEYN
(1879-1955)

2022
YANVAR
№36



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
4-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-4**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 36-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

1. Тўхтасинов Бобомурод Тўлқинбой ўғли ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙИЙ ҲАЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ДАВЛАТНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.	7
2. Мўминов Жасурбек Мамиржонович ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОММУНИКАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ	11
3. Barotova Nargiza Sharofovna O'QUVCHINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISH.	14



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ДАВЛАТНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.

Тўхтасинов Бобомурод Тўлқинбой ўғли

НамДУ ўқитувчиси

Телефон: +998993411884

bobomurod.tukhtasinov@bk.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада давлат ва инсонлар, авлодлар ўртасидаги муносабатлар, инсоннинг ижтимоий-сиёсий субъект сифатида ўз-ўзини айнанлаштиришида давлатнинг роли ва аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилиб, жамиятнинг ижтимоий ҳаётини шаклланишида давлатнинг ижтимоий-тарихий аҳамияти борасида фикрлар келтирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Айнанлашув жараёни, социум, “жамият-давлат-инсон”, ўтмиш-бугун-келajak яхлитлиги, “давлатпарвар”.

Давлат тарихий жараён сифатида барча ижтимоий муносабатлар, жараёнлар, уларнинг узлуксизлигини таъминловчи фундаментал омил. Шу муносабат билан Аристотелнинг бир фикрини келтириш ўринлидир. Унга кўра, “моҳиятан, табиатига кўра ҳар бир инсон учун ёлғиз ҳолида мустақил ҳаёт кечириш имконига эга эмас. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, инсоннинг, индивиднинг давлатга нисбатан ҳолати ҳар қандай қисмнинг бутунга бўлган муносабатининг айнан ўзидир”[1]. Мутафаккирнинг бу умумлашмасидан келиб чиқадиган бўлсак, биринчи ва асосий ҳулоса шундай: инсон ҳақиқий маънода ўзининг ва ўзгаларнинг нима эканлигини, олам юзини кўришдан, яшашдан мақсади, нималарга қодир ёки қодир эмаслигини, бу ёруғ дунё субъекти сифатида олдидаги зиммаси, бурчи нималардан иборат эканлиги айнан давлат билан ҳамоҳанг, ҳамжиҳатликда англаб етди. Бу ерда биз инсонни ёлғиз бир ҳолатда эмас, балки инсоният борлигининг асосий қисми тарзида тасаввур қилмоқдамиз. Инсон айнан шундай юксаклик томон боргандагина инсоният билан уйғунлашади, ўзининг вақтинчалик умрини абадиёт билан муштараклаштира олади.

Давлат ва инсонлар, авлодлар ўртасидаги муносабат хусусида фикрни давом эттирар эканмиз, инсоннинг ижтимоий-сиёсий субъект сифатида ўз-ўзини айнанлаштиришида давлатнинг роли ҳақида батафсил сўз юритиш жоиз деб ўйлаймиз. Давлат, ҳудуд ҳамда ушбу маконда ажоддан авлодга ўтиб истиқомат қилиб келганлар ва бугунгилар ўртасида айнанлашиш мумкинми, агар шундай бўлса, у нима ва унинг ижтимоий-тарихий аҳамияти нимада, деган масалаларни идрок этиш лозим бўлади.

Маълумки, айнанлашиш, яъни инсоннинг у ёки бу омил билан яхлитлиги, муштараклигини англаш одатда оила даражасида рўй беради. Инсон ўз мўъжазгина оиласи – она ўчоғига эга эканлигини англаш борасида оиласи унинг учун қандайдир илоҳийлик касб этиб боради. Инсон ўзида қандайдир руҳий куч ҳис этади, ўзига нисбатан меҳрибон, унинг ҳимоясига доимо тайёр инсонлар орасида умр кечиради. Оила билан бир қаторда таълим жараёнида жамоа бўлиб муаммоларни ечиш оқибатида, меҳнат жамоаси, маҳаллага нисбатан унинг қалбида айнанлашув кечади. Демак, инсон ҳаётий фаолият давомида турли маконлар билан айнанлашишни бошидан кечирар экан. Шундай экан, инсон айнанлашуви жараёнининг энг юқори пиллапоysi – бу халки, жамияти, давлати, она юрти билан айнанлашув деб биламиз. Кўриниб турганидек, мазкур маънавий-руҳий жараён оддий кўздан йироқ, яъни ҳа деганда сезилмайди. Демакки, унинг реалликка, буюк кучга айланиб бориши инсон умрининг мазмуни, шахсий дунёқарашининг юксалиши ҳамда инсон маънавий камолоти пиллапоylарига бориб тақалади.

Давлат, халқ ва шу халқ фарзанди деб ўзини ҳис эта олган ҳар бир инсон ўртасига



айнанлашув жараёни жамоавий тарзда кечиши боис, у хусусда ҳар хил, баъзан бири бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Айнанлашувнинг буюк кучи барча даражаларда улкан ўзгаришларга сабабчи бўлганлигига қарамасдан, ҳанузгача “айнанлашув – бу ноқулай, ноаниқ, маъно-мазмун нуқтаи назаридан иккинчи даражали концепт. Унга аниқлик киритиш, уни илмий рационал асослаш ўта мушкул бир соҳа” деб муаммони четга суриш ҳолатлари ҳам бор. Бироқ бу дунё олимларининг аксариятининг ҳақли равишда жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда[2].

Тарихий тараққиётнинг бугунги босқичида шахс, социум ва ҳатто улкан бир минтақа ривожига маданий-маънавий айнанлашув ўша маконда унинг тутган ўрни биринчи ўринга чиқиши, қолаверса унинг халқ ҳамда давлат томонидан синхрон англаниши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунёда кечаётган турли-туман салбий ёки ижобий силжишларни ўрганар эканмиз, уларнинг келажакда ижтимоий бир бутунлик сифатида ўзини асраб қолиш ва аксинча қолмаслиги авваламбор “жамиyat-давлат-инсон” триадаси даражасида ўзаро бир бирини асраш туйғуси қай даражада эканлиги билан белгиланмоқда. Зеро, бугунги кунда ўзини деярли сақлаб қола олмаётган, парчаланган давлатлар йўқ эмас. Глобаллашув, гегемонизм, мессианизм қаршисида айрим жойларда кескин миллий давлат таназзули кузатилмоқда. Бу ерда, албатта кучлар тенг эмаслиги, яъни кичик давлатларнинг қудратли давлатларга бас кела олмаслиги ҳам мавжудки, уларга ҳатто моддий ва интеллектуал салоҳият ҳам ёрдам бериши қийинлашиб бормоқда. Хуллас, сиёсат билан миллий айнанлашув ўртасида зиддият борган сари кучайиб кетишининг гувоҳига айланмоқдамиз. Бундай вазият, табиийки, минтақавий ёки халқаро барқарорликка салбий таъсирини ўтказмоқда.

Турли сабабларга кўра турли минтақаларда давлат-жамиyat-инсон ўртасида маънавий муштараклик, ички айнанлашувга дарз кетмоқда. Давлатларда “маънавий яқдиллик” муаммоси бугунги кунда фақат кам тараққий этган давлатлардагина эмас, ҳатто иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва сиёсий параметрлар бўйича етарли даражада кучга эга бўлган давлатларда ҳам ўз кучини кўрсатмоқда. ХХI асрнинг биринчи чорагида у ёки бу давлатнинг истиқболи унинг иқтисодий ёки ҳарбий қудратига қараб эмас, балки “халқ-давлат-инсон” триадаси даражасига кўпроқ боғлиқлиги равшанлашиб қолди. Инсоният тарихий тараққиётнинг шундай бир даврига кирдики, у ёки бу политика ёки жамиятнинг истиқболига нисбатан юз фоиз аниқ башорат бериш қийин.

Шундай экан, тарихнинг ҳозирги босқичида “давлат-халқ-инсон” занжирига нисбатан баъзи бир анархистик қарашлар ҳам мавжудки, уларга қарши курашиш ёинки бугунги дунёдаги вазиятга (глобаллашув, мессионизм, куч ишлатган ҳолда бутун бошли бир давлатни сиёсий бўлмаса-да, психологик йўқ қилиш амалиёти ва бошқалар) илмий нуқтаи назардан муносабат билдириш давлатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан муҳим, деб ҳисоблаймиз. Дунёда ҳанузгача шундай илмий таълимотлар мавжудки, уларга кўра бугунги босқичда нафақат давлатга барҳам бериш, балки шу жараёнда бир вақтнинг ўзида жамиятни бошқарувдан то таълим-тарбия билан шуғулланишгача бўлган муассасалардан, ҳатто жамият, шаҳар, қишлоқ сингари одамлар умргузаронлиги кечадиган масканлардан воз кечишга тўғри келар эмиш. Тартибот, ижтимоий жараён, қонунчилик ва давлатчилик билан боғлиқ юмушлар, кундалик ташвишлар уларнинг фикрига кўра инсонлар эркинлигини, ижодкорлигини чеклар экан.

Бироқ инсоният ҳаёти ва фаолияти тарзи шуни аллақачон исботлаганки, давлат шунчаки бир гуруҳ ақли расо инсонларнинг интеллектуал келишуви натижаси, нафақат инсонлараро шериклик муносабатларининг минг йиллар давомида яратган маҳсулигина бўлмасдан, балки кўп минг йиллик жамоавийлик жараёни сари интилиш, сиёсийлик ҳолатини тартибга туширувчи, яъни уюштирувчи, қонун доирасида куч ишлатувчи ва шу орқали давлат ва давлатчиликнинг давомийлиги, абадийлигини таъминлашга қодир бирдан бир сиёсий-ижтимоий омил эканлиги ҳар соат ва ҳар дақиқада тасдиқланиб турибди.[3]

Кўриниб турганидек, бундай анархистик, бугунги алғов-далғовларга бой даврга нисбатан зарарли фикрлар бугунги куннинг эҳтиёжу интилишларидан анча йироқ. Бугун инсоният, дунё бошқа ва давлатга оид янги ишланмалар юзага келишини кутмоқда. Давлат инсон зоти, инсоният қалбининг энг чуқур қатламларидан мустаҳкам жой эгаллаган. Одамлар қадим-қадимдан жамоавий мулк ҳақида орзу қилишган. Жамоавий мулк, жамоавий юмушлар, жамоавий эзгулик сари умумхоҳиш асосида интилиш ва бошқа қатор ижтимоий-маънавий жараёнлар пировардида давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган.



Шу муносабат билан россиялик шарқшунос олим А.А.Алаевнинг “Сельская община: «Роман выявленная в истории». китобида қадимги дунёдаги ижтимоий тартибга нисбат қилиб “хусусий мулк аслида хусусий мулк ҳуқуқи бўлмаган даврларда ҳам муомалада бўлган эди”[4], деган фикри диққатга сазовор. Ҳолбуки, умуман инсон зоти моҳияти билан боғлиқ мулкка интилиш ва унга эгаликнинг табиий ҳуқуқи фақат ва фақат давлат томонидан тартибга туширилиши мумкин. Тўғри, қадимда қабила бошлиқларида якка шахс сифатида шундай имконият бўлган, аммо бу бошқа масала. Зеро, мулккий муносабатлар инсонлараро муносабатлар орасида энг мураккаб, тартибга тушириш, уни давлат даражасида фуқароларнинг англаб етиши жуда кўп муддат ва тарихий масофани босиб ўтишини тақозо этади.

Давлат шундай куч ва салоҳият соҳиби эканки, айнан у орқали давлат жиддий ижтимоий муносабатлар замирини яратиш, уни бус-бутун авлодларга, замонларга, маконларга етказилиши орқали шу маконда ўтмиш-бугун-келажак яхлитлигига асос солади. Бир замонлар ота-боболар заковати, урдабуронлиги маҳсули бўлган бой моддий ва маънавий маданият, тажриба бугун учун тараққиёт ресурси в келажак учун эса қудратли пиллапоя бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Курраи заминда, маълумингизки, халқларнинг давлат ҳақида тасаввурига қараб уларни бир бирига қиёслаш, уларнинг ҳар бирига хос спецификаси (ноёблиги)ни белгилаш мумкин. Тўғри, давлат, давлатчилик барча халқ ва элатларга хос, ундан ҳамма деярлик тенг манфаатдор. Давлат тасарруфига кириш, ўз ваколатининг у ёки бу жиҳатини давлат билан баҳам кўришдан азият чеккан халқнинг ўзи бўлмайди. Бу – аксиома. Аммо шундай бўлса-да, халқлару элатларни шартли равишда “давлатпарвар” ва унинг акси давлатга нисбатан “бағрикенглар”га тоифалаш ўринли бўлар, деб ўйлаймиз.

Биринчи гуруҳга мансуб халқлар шундай маънавий-психологик хусусиятга эгаки (бу муаммо миллий менталитетга оид тадқиқотларда чуқурроқ ўрганилган), уларнинг давлатпарварлиги, давлат билан ўзини жиддийроқ айнанликда кўришга интилиши аслини олганда жамоавийликка мойиллик даражасидан бошланган. Ундаги жамоавийлик, демакки, сиёсийлик сифатлари давлат, давлатчилик билан анча чуқур уйғунлашган. Социум табиий хусусияти воқеликка айланиб, амалиётда ўз ифодасини топади. Бу улкан илмий ҳамда амалий муаммо, шунингдек, ҳаётий фаолият маҳсулики, шу сабаб у ҳар доим буюк ақл-заковат соҳиблари, ижтимоий-гуманитар илм тармоқлари вакиллариининг эътиборини муттасил ўзига қаратиб келган.

Дарҳақиқат, жаҳоний динлар, илму фан соҳиблари ҳар доим уқтириб келадикки, ҳали-ҳануз инсоният умргузаронлиги, кундалик ҳаёти даставвал илм ва ақлдан бошланганлиги маълум эмас. Бу ерда сўз илмий тафаккурнинг ўрни бошқачалиги ва қолаверса, яқин мозийда кўзга кўринганлиги, рационал асосда яшаш ибтидоий даврга хос бўлмаганлиги, одамлар ўз юмушларини стихиялик тарзида йил фасллари, ойлар, кунлар алмашинувида қараб амалга оширганлиги ҳақида бормоқда, холос. Инсон ҳаётида рационал илмий ишланмалар асосида ҳаёт кечириш ўша пайтларда инсон салоҳиятининг рўёбга чиқиши учун шунчаики инструмент вазифасини ўтаган. Ушбу ҳолатни ҳаёлига келтириб “халқлар бошқа сирли мажбурловчи, амр этувчи, ифода этиш мушкул, номаълум ва тушунтириш қийин бир куч амрини бажо келтиришмади”, – деган бир пайт Ф.Достоевский. бу сиру синоат давлат эди. Демакки, бу инсон зотиғагина хос жамоавий яшаш, ижтимоийликка, эзгу ниятга эришишда жамоавий хоҳиш-мойилликнинг кучи бўлса керак. Зеро, инсоннинг ҳаёти ҳам ва унинг Ҳазрати Инсон даражасига кўтарилиши ҳам, ўзига мен нимадан, нима учун дунёга келдим ва нималарга қурбим етади ёки етмайди, деган ўзининг оламда ўрнини белгилаш билан боғлиқ жумбоқлар хусусида бош қотиришидан бошланади, деб айтишган буюк олимлар[5].

Шундай экан, Инсоннинг Инсон бўлишида, тўғрироғи тарих субъектига айланишида, унинг кейинги авлодлар ва қолаверса замондошлари қаршисида бурчи, масъулияти нималарни ўз ичига олишини англаб етишида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг олий шакли ва зинапоеси давлатнинг роли, инсон ҳаётида эзгулик сари қадам ташлашида унинг буюк қудрати Шарқда ҳам ва Ғарбда ҳам шубҳа остига олинмаган. Шулар ҳақида бош қотириб инсоният тарихида бир бирини камситиш, бирининг иккинчиси устидан ҳукмронлик қилиш амалиёти колониал сиёсат даражасига кўтарилган даврда яшаган улкан ҳинд файласуфи Кришнамохан Банерджи шундай деб ёзиб қолдирган: “Маърифий яшаш, унга риоя қилиш



амалиёти ўлароқ Осиёнинг қадимий шонли ибтидосидан бошланган. Айнан ўша замонларда жамиятни бошқариш шакллари, қонунларининг ҳаётга татбиқ қилиниши ва энг муҳими ёвуз кучларга нисбатан инсоннинг ўз буюклиги, қудратини исботлаш имконияти, муҳити шаклланди”[6], – деган муҳим бир хулосага келган олим. Бу ерда биз учун муҳим жиҳат Шарқнинг Ғарбдан устунлиги ёки ёзув, таълим-тарбия биринчи бор айнан Шарқда пайдо бўлганлигини исботлаш эмас. Аксинча, нимаики буюк трансформация (сиёсий, иқтисодий, социомаданий, илмий ва бошқалар) инсоният тарихида рўй берган бўлса, сўнгра улар авлодлар мулкига (музейлар, архивлар, осори-атиқалар) айлантирилган бўлса, унда давлат, маърифатли салтанат ҳукмдорларининг ўрни борлигини таъкидлаш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда // Метод социологии. – М., 1991. – С. 369.
2. Идентичност: личность, общество, политика. Энциклопедическое издание. – М., 2017. – С. 72.
3. Барлыбаев Х.А. О философии солидарных отношений // Вопросы философии. – 2018. – №12. – С. 41.
4. Трансформация политической власти в переходный период (рецензия О.Воркуновой из ИМЭМО) // Мировая экономика и международные отношения. – 2018. – №4. – С. 119.
5. Кант И. Идея всеобщей истории в плане всемирного гражданского общества Т. 6. – 1966. – С. 16.
6. Скороходова Т.Г. Проблема «Восток-Запад» в социальной мысли Бенгальского Возрождения // Вопросы философии. – 2017. – №12. – С. 149.



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОММУНИКАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Мўминов Жасурбек Мамиржонович,
Ўзбекистон Миллий университети
мустақил тадқиқотчиси
Телефон: +998906332626
jasurbek0726@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро муносабатларининг замонавий ривожланиш босқичи кўриб чиқилган. Концептуал таҳлил асосида муаллиф сиёсатнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларининг қонуниятлари очиқ берган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Давлат бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий коммуникация, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабат моделлари, сиёсий тизим, сиёсатнинг самарадорлиги, миллий манфаатлари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократлашув жараёни инсонлар, турли хил ижтимоий қатламлар, сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатлари билан ҳамма вақт боғлиқ. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош ассамблеясидаги маърузалари, Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги”, “Экологик назорат”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида»” қонунлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳамда инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида янги босқични очиқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислохотларнинг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифалардан бири сифатида изчил давом этмоқда. Буни, ҳусусан, 2017 йил 7 февралдаги давлатимиз раҳбарининг Фармони ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласи ҳам кейинги беш йилликда рўйбга чиқарилиши лозим бўлган вазифалардан бири сифатида белгиланган. Таниқли файласуф-олим А. Жалоловнинг фикрига кўра, “Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи маънавий соҳадаги ислохотларни ўта муҳим долзарб вазифага айлантирмоқда. Зеро, маънавияти суст ва шу боис халқи пароканда, яъни у юксак маънавий негизда нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан сиёсий партияларга уюшмаган мамлакатда давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб бўлмайди” [2].

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги даврда фуқаролик жамияти институтларини ривожланиш жараёни янги босқичга чиқди. Сиёсий муносабатларда ўзларини исботлаш имкониятлари ушбу институтларнинг ижтимоий-сиёсий маконда мавқеини белгилайди.

Бундай шароитда жамоат бирлашмалари умумий манфаатлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи ташкил этиш жараёни фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси ва унинг сиёсий ижтимоийлашувининг омили ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим институти бу маҳаллий ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда муайян ҳудудларда фуқароларнинг мустақил қарор қабул қилиши учун шароит яратадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқаролик жамияти касбий, маданий ва бошқа мақсадларда



ташкил этилган турли жамоат бирлашмаларининг эркин ўз-ўзини ташкил этиш асосида мавжуд бўлади.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ қуйидаги иккита асосий йўналиш мавжуд:

1. Жамият ташкилотларининг ҳокимият олдида ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаол иштироки. Бунга инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, истеъмолчилар жамиятлари, ҳарбий хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилувчилар ташкилотлар, аёллар ижтимоий ҳаракати ва бошқалар киради.

2. Сайловолди ташвиқоти даврида жамоат ташкилотларининг иштироки кучайиб бори. Нодавлат ташкилотлари сайловларнинг боришини ва адолатли сиёсий рақобатни таъминлайдиган шарт-шароитларни кузатадилар. Аммо, сайловлардан кейин сиёсий соҳадаги нодавлат жамоат ташкилотларининг фаолияти тўхтаб қолди.

Баъзи давлатлардаги фуқаролик жамияти ривожланишидаги камчилик бу сиёсий соҳада жамоатчилик назоратининг йўқлиги билан боғлиқ. Фуқароларнинг сиёсий ҳаётда бундай назорати ва иштироки бўлмаган тақдирда, фуқаролар сиёсий қарорлар қабул қилишдан четлатилади ва профессионал тизимлардан жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш институтлари фаолияти сусаяди. Бугунги кунда жамоат бирлашмалари сифатида фаолият юритаётган ташкилотларга қуйидагилар киради: сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ижодий уюшмалар ва бирлашмалар, аёллар, ёшлар, талабалар ташкилотлари ва ҳаракатлари, диний жамоалар, этник уюшмалар; хусусий илмий ва ўқув марказлари, фахрийлар, спортчилар уюшмалари, нотижорат шерикликлари ва ҳ.к.

Ҳозирги даврда давлат ҳокимияти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг шахсий манфаатларини кўзлаб ўз ташаббусларини мустақил равишда амалга ошириши учун давлат ҳокимиятини таъсир кўрсатиш соҳаси чекланган бўлиши керак. Бундай ҳолатда, давлат агар мавжуд қонунчилик бузилмаган бўлса фуқаролар ташаббусларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Давлат асосан ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий доираси доирасида иқтисодий ва ижтимоий фаолият эркинлигининг кафолатли ҳимояси бўлиши лозим;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги жамоат ташкилотлари ва фуқароларга ўз ҳуқуқларидан, шу жумладан ижтимоий ва сиёсий муносабатларда ўз манфаатларини ифодалаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак;

- фуқаролик жамиятининг таркибий элементларига таъсир қилишнинг ноқонуний воситаларидан фойдаланадиган турли хил сиёсий тузилмалар томонидан бунга қарши ҳар қандай уринишларга барҳам бериш керак.

Ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг давлатга таъсир самарадорлиги қуйидаги шартларни бажариш билан белгиланади:

- ижтимоий таъсирни асосий ижтимоий гуруҳлар ўртасида нисбатан тенг тақсимланиши;
- давлат органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари фаолиятига нисбатан бетарафлиги;

- давлат фаолиятига таъсир этувчи қонуний (расмий) каналлар мавжудлиги;

- давлатнинг (режимнинг) ҳокимиятни монополлаштириш истагига қарши турадиган ресурсларнинг мавжудлиги [3].

Сиёсий жараёнларнинг трансформациясида иштирок этадиган давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ахборот ва коммуникацион соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча шаклларида очик ва ишончли, объектив маълумотларни тақдим этишлари керак бўлади. Шундай қилиб, ушбу ҳолатда жамоатчилик фикри ҳам шаклланади. Сиёсий коммуникация каналларининг кенгайиши кўпроқ сиёсий субъектларни жалб қилиш имкониятини яратади ва улар ўртасида келгусида ўзаро соғлом рақобатбардош рақобат учун йўл очади. Шундай қилиб, сиёсий субъектлар ўртасидаги рақобатнинг шартларидан бири бу нафақат жамиятни ривожлантириш стратегиясини муҳокама қилиш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилишда фуқароларни оммавий равишда жалб қилиш, балки жамоат тузилмалари томонидан билдирилган барча баёнотлар ва таклифларни давлатнинг келажак сиёсатида киритишдир. Шу боисдан ҳам таниқли олим А.Қодиров томонидан “Ўзбекистон миллий манфаатлари ижтимоий ҳаётда политологияга янада катта ўрин берилишини, унинг мавқеини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, жаҳон сиёсий харитасида



Ўзбекистон давлатининг ўрни тобора мустаҳкамланиб боришини таъминлайди” [4] деб таъкидлаган эди.

Хулоса сифатида, сиёсий соҳада мавжуд ахборот оқими назарий моделлар кўринишида намоён бўлади деб таъкидлашимиз мумкин. Ушбу моделлар, бир томондан, жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган реал коммуникация жараёнларини акс эттиради, иккинчи томондан – бу жараёнларни ўрганишга имкон берадиган услубий асосларни яратишга хизмат қилади. Алоқа назариясида кўплаб моделлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири коммуникация жараёнининг тузилишини, элементларини ва динамикасини акс эттиради. Ушбу моделларни биз иккита сиёсий турга ажратишимиз мумкин, улар сиёсий коммуникациянинг технологик моделлари ва сиёсий коммуникациянинг тармоқ моделларидир. Биринчилари коммуникатив актнинг тузилиши ва асосий элементлари нима эканлигини ва ундаги маълумотларни узатишнинг қандай воситаларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб беради. Иккинчиси, жамиятдаги сиёсий коммуникациялар тизимини ва сиёсий субъектлар ўртасидаги ахборот оқимининг йўналишини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар итратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>.
2. Жалолов А. Демократия – муаммолар ечими // “Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш мамлакатни модернизация этиш йўлида” ижтимоий-услубий анжуман материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ, 2005. 11-б.
3. Жабборова С. Пинҳона тажовуз // Тафаккур. Т.: 2013, № 3. 116-б.
4. Қодиров А. Миллий манфаатлар ва политология // 2001 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда политология” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Шарқ, 2002. 40-41-б.



O'QUVCHINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISH.

Barotova Nargiza Sharofovna

Kogon tuman 1-umumta'lim maktabi

Tasviriy san'at va chizmachilik fani o'qituvchisi

Tel: 998883020212

Annotatsiya: maqolada o'qitishda o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish, mantiqiy fikrlash va ijodkorlikka yo'naltirish to'g'risida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil fikrlash, muammoli vaziyat

XXI asrda dunyoning har bir burchagida turli sohalar bo'yicha bunyodkorlik ishlari soni kundan kunga ortib, hayot sharoitlari qulaylashib bormoqda. Bu kabi islohotlar natijasi ko'p jihatdan shu davlat ta'lim tizimiga bog'liq. Turli rivojlangan davlatlarda ta'lim tizimiga ko'p e'tibor qaratilib, samarali ta'lim tizimini joriy etilishi natijasida yuksak maralarni egallab kelishmoqda. Bizning vatanimizda ham ta'lim tizimiga e'tibor kundan kunga ortib bormoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev yoshlar ta'lim tarbiyasiga diqqat qaratib, bu tizimga o'zgartirishlar kiritmoqda. Ta'lim tizimi boshqichlari ya'ni, maktabgacha ta'lim, umumiy o'rta ta'lim, oliy ta'lim, oliy ta'limdan keyingi ta'lim, kadrlar malakasini oshirish umuman olganda ta'limning har bir jarayoniga tubdan o'zgarishlar kiritildi. Har bir ish, jaryon kelajakdagi katta natijalar uchun qaratilmog'i lozim.

Agar inson tayyor bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishga moslashib qolsa, uning tabiiy ijodiy qobiliyatlari qotib qoladi. U mustaqil fikrlash, olingan bilimni miyada qayta ishlashni esdan chiqaradi. Bu kabi holatlarni oldini olish uchun ta'lim oluvchilarda fikrlash qobiliyatini rivojlantirish lozim. Fikrlash jarayoni muammoli masalalar yechishda a'lo darajada namoyon bo'ladi va rivojlanadi. Shu o'rinda muammoli o'qish to'g'risida fikr yuritsak, muammoli o'qish texnologiyasi faylasuf, psixolog, pedagog J.Dyunning nazariyalariga asoslanadi va XX asrning 20-30 yillarida tarqala boshlagan.

Bu texnologiya shaxsga yo'naltirilgan texnologiya bo'lib, bu yerda shaxs subyekt sifatida qaraladi. Bundan asosiy maqsad-pedagogik jarayonga o'ziga xos qiziqish uyg'otishdir. Muammoli o'qitish samarali o'qitish bo'lib, ilmiy bilimlar mantigi o'zidan muammoli vaziyatlar mantig'ini namoyon etadi.

O'qituvchi muammoli vaziyat tanlashda juda aniq ma'lumotlarga tayangan holda, fikrlashga yo'naltirilgan maxsus vositalar qo'llab, o'quvchi muammoli vaziyat mazmun-mohiyatini aniq anglab yetadigan metodlardan foydalanishi, texnik jihatdan to'g'ri jihozlanishi zarur.

Agar o'qituvchi o'quvchiga ma'lum bir topshiriq berib uni bu topshiriqni bajara olishga undasa bu muammoli vaziyat bo'la olmaydi. Bu vazifani yakka o'zi yechishni o'rganadi, xolos. Muammoli vaziyat orqali fikrlashga o'rgatish esa, uni muammodagi o'zidagi nazariy va amaliy bilimlar orqali muammoli yechimini o'zi o'ylaganidek tugallashiga olib borishi zarur. Bu jarayonlar davomida murakkab tushunchalar maz-muni aniqlashtirib ko'rsatish orqali unga tizimli ravishda muammolar qo'yib boriladi. O'quvchilarning fikriy faoliyati faqatgina ijodiy jarayonlarda faollashadi.

Muammoli vaziyatni tashkil qilishda tarix (tarixiy voqea hodisalar) keng ko'lamli manba hisoblanadi. Yechim esa ijodiy faollik, ham jamoaviy, ham shaxsiy hissalari hisobga olinadi. O'quvchi muammoni ijodiy yechimini topishda axborotni tavsiflash, tashkil etish, baholashni o'rganadi. O'zi uchun qaysi muhim axborot yetishmasligini va uni qanday topish yo'llarini o'rganib boradi. Keys usulidan foydalanish shuni ko'rsatadiki talabaning fikricha muammoning yechim usulidan ko'ra ular insonning xulq-atvori bo'yicha ko'proq bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlari maqsadga muvo- fiqdir.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki muammoli vaziyat (keys-stadi) texnologiyasi hozirgi davrda qo'llanilish ko'lamini kengayishi kerak bo'lgan texnologiyalardan biri hisoblanadi. Bu usulni O'zbekiston ta'lim tizimining har bir bosqichida qo'llanilish samaradorligini oshirish, XXI asr rivojlangan davlatlar safiga kirish uchun bir omil bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev J va boshqalar. Zamonaviy dars. Toshkent.; 2007
2. Hazratqulov U.M, Usmonboyeva M.N, Rustamova S.S. Ta'limni tashkil etishda zamonaviy interfaol metodlar. O'quv uslubiy tavsiya/ Toshkent - 2016

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

(4-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000